Йилнинг энг яхшилари

Миллий футбол чемпионати якунида анъанага кўра йилнинг энг яхшилари аниқланди. Қарийб қирқ нафар спорт журналисти берган баҳога биноан энг яхши футболчи ва мураббий номи маълум бўлди. Миржалол Қосимов «Энг яхши футболчи» номини олган бўлса, Юрий Саркисян «Энг яхши мураббий» деб топилди. Уларга Президентимизнинг махсус совринлари топширилди. Шунингдек, футболчилардан Игорь Шквирин билан Андрей Акопянц, мураббийлардан Баҳром Ҳакимов («Темирйўлчи»), Александр Мягков («Сўғдиёна») иккинчи ва учинчи ўринларни олишди.

Аслиддин СУЮНОВ

Санъатсеварлар қувончи

Айём арафасида «Шарқ» нашриёт матбаа концернининг матбуот уйидаги «Дийдор» реклама ва ахборот марказида кўргазма очилди. Кўргазма Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда «Ўзбекистон — Словакия» дўстлик жамияти ташаббуси билан ташкил қилинди. «Рангоранг олам» деб аталувчи бу кўргазма Словакия ташкил этилган кунга бағишланди. Мўйқалам усталаридан Ярмила Велька, Душан Секела ва Даниел Биделница ва бошқаларнинг асарлари намойиш этилмоқда.

Юнус ЗИЁДОВ

95 фоиз хорижга

Элликқалъа туманидаги «Олтин тола» ҳиссадорлик жамияти жамоаси Янги йилни катта меҳнат зафарлари билан кутиб олмоқда. Корхонада йил давомида бир миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Унинг 95 фоизи хорижга — Германия, Австрия ва Россияга сотилди. Самарали меҳнат туфайли жамоа аъзоларининг ишлаш ва яшаш шароитлари ҳам яхшиланиб бормоқда.

Чиқиндидан оқсил

Маълумки, кейинги пайтларда юртимизда ихтирочилик кенг ривожланмоқда. Жумладан, Фарғона Давлат университети профессори Тожибой Мирзамаҳмудов ва доцент Иброҳимжон Исмоиловлар яратган янгилик ҳам алоҳида эътирофга молик. Улар соя чиқиндисидан оқсил олиш технологиясини яратдилар. Қизиғи шундаки, олимларнинг илмий изланишлари «Фарғонагўшт» ҳиссадорлик жамиятида синовдан муваффақиятли ўтди.

Авваллари бундай маҳсулотнинг деярли асосий қисми четдан сотиб олинарди. Бу эса колбаса ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари таннархига таъсир кўрсатмай қолмасди. Эндиликда маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган оқсил қандолат маҳсулотлари тайёрлашда ҳам қўл келмоқда.

Савоб мардга ярашгай

Тошкент концерт-эстрада мусиқали ансамбллар бошқармаси томонидан уюштирилган «Янги йил» байрами тантаналари пойтахтимизнинг «Ёшлик» спорт аренасида давом этмоқда.

— Ушбу хайрия-саховат тадбирлари меҳрибонлик уйлари, кам таъминланган оилалар фарзандлари кўнглини кўтарса, биз ҳам мамнун бўламиз, — дейди бошқарма бошлиғи Одил Қорабоев. — Дарҳақиқат, савоб кўргазиш халқимизнинг азалий удуми бўлиб, у асрлар оша яшаб келаверади.

Бобомурод РАЙИМ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 31 декабрь, пайшанба • № 159-160 (24.395).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Хумдан топилган тангалар

Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги Кўприкбоши қишлоғида яшовчи Исмоилжон Ориповга янги уй қуриш учун ер ажратилганди. У ўша ерда ишлаётиб, ер остида эски хумга дуч келди ва 322 дона қадимий мис танга топиб олди. Топилмалар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Яҳё Ғуломов номидаги Археология институтига жўнатилди. Институт мутахассисларининг аниқлашларича, тангалар Бухоро, Самарқанд, Термиз, Шоҳруҳияда 1428-1429 йиллари Улуғбек томонидан зарб қилдирилган экан.

Энди бу ноёб топилмалар темурийлар даврининг пул сиёсатини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Сифатли уруғ – ўзимизда бўлади

Ўзбекистон «Ғалла» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ғаллаорол» бўлимида полиз уруғчилиги лабораторияси очилди. Илмий даргоҳ ходимлари бу йил тажриба майдонларида етиштирилган «Қўзибой» навли тарвузнинг 500 килограмм уруғлигини ўрганиш ва уларни катта майдонларга экиш ниятидалар. Шунинг учун тарвуз мағзидан ажратилган уруғлар ювилиб, қуритилди. Махсуҳ идишларда сақланиб, сифати бузилмаслиги чоралари кўрилаяпти. Ортиқча уруғни республика хўжаликларига сотиш билан иқтисодий фойда олиш режалари кўрилаяпти.

— Бир килограмм тарвуз уруғи камида 500 сўм туради, — дейди бўлимнинг бош ҳосилоти Бахтиёр Юсупов. — Агар биз серҳосил тарвуз ва бошқа полиз экинларининг уруғчилигини йўлга қўёлсак, катта иқтисодий самара олишимиз мумкин. Кейинги йилларда уруғчиликка эътибор умуман берилмасди. Майдонларга тўғри келган полиз уруғлари экиларди. Лаборатория эндиликда уруғларни илмий томондан ўрганади ва республикамизда қовун-тарвуз етиштиришни кескин кўпайтиришга катта ҳисса қўшади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Мазаси етти иқлимга татигулик

Нурота тоғлари бағридаги қўшилиш дарасида истиқомат қилаётган агроном Саъдулла Қўшматов хушчақчақ, зукко инсон. Бир умр хузурбахш тоғ ҳавосини симириб, хўжаликда қарийб 40 йил ҳосилот бўлиб ишлаб нафақага чиққан. Оиласидан кўнгли тўқ. Ўғил-қизлари ҳаммаси уйли-жойли, ўқимишли. Мустақил юрт тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги учун елиб-югуриб хизмат қилишмоқда.

Саъдулла аканинг боғ-роғлар ястаниб ётган ҳовлисида суҳбатимиз кўр олди:

— Ойнаи жаҳонда кўплаб чет эл маҳсулотлари, айниқса, ширинликлар туну кун реклама қилинади. Шунда тоғ даралар бағрида пишиб етилган, мазаси етти иқлимга татийдитан ёнғоқ, ўрик, олма, шафтоли, жийда, дўлана, ерёнғоқ ва қовун-тарвузлар кўз ўнгимдан ўтади. Улардан мазали, тоза, ҳамда жаҳон андозаларидан юқори турадиган ширинлик ва бошқа егуликлар тайёрлаш мумкин, — дейди кекса агроном. — Ишбилармонлар, тадбиркорларимиз ташаббусни қўлга олишлари керак. Шундагина дунё бозори бизники бўлади.

Маълумки, жаҳон бозори ҳамиша сифатли, экологик тоза маҳсулотларга мунтазир. Бундай маҳсулотлар хомашёси мамлакатимизда битмас-туганмасдир. Фақат озгина ҳафсала қилинса, эътибор берилса ютуқ бизники.

Қўшним Жамшид Қодировнинг мойжувози бор, — дейди суҳбатини давом эттириб. У ёнғоқдан мой ишлаб чиқаради. Бундай тотли ёғни ҳеч қаерда учратмаганман. У ёнғоқ қолдиғига нон қўшиб ҳолва ҳам тайёрлайди. Бунақа ширинлик дунёнинг ҳеч қаерида бўлмаса керак деб ўйлайман. Қани энди, бозорларимизда тут, майиз, қовун қоқи, тарвуз шиннлари, ўрик, шафтоли қоқи каби неъматлар кўпайса. Шунда юртимиз табиатига яраша дастурхонларимиз янада файзли бўлур эди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Янги йил арчаси — *Ўктам ШАРИПОВ олган сурат*

Бу дунёнинг ишлари

Сайлов куни маълум бўлди

Исроилда кнессетга муддатидан илгари сайловлар куни келгуси йилнинг 17 май кунига белгиланди. Агар зарур бўлиб қолса, сайловларнинг иккинчи босқичи 1 июнда ўтади. Бу ҳақда ҳукмрон коалиция ва муҳолифат вакиллари келишиб олишди. 14-чақириқ ҳозирги парламент 1996 йилнинг май ойида сайланган эди. Аслида навбатдаги сайлов 4 йилдан сўнг ўтиши керак эди. Бироқ зарурият туғилиб қолгани учун сайлов муддати қисқартирилди.

Янги раиснинг нияти

1999 йилнинг 1 январидан Европа Иттифоқи раиси сифатида Германия фаолият кўрсата бошлади. Европа Иттифоқининг бўлғуси раиси Герхард Шредер ўз олдига катта вазифаларни қўйди. Масалан, Европа Иттифоқини молиявий жиҳатдан таъминлаш, аграр сиёсат ва минтақавий ёрдамлар тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор берилади. Айниқса, ишсизликка қарши кураш масалалари эътиборда бўлади.

Жиноят учун қаттиқ жазо

Хитойда бундан буён валюта-молия соҳасида жиддий жиноятга йўл қўйганларга нисбатан умрбод қамоқ жазоси жорий этилди. Бу Умумхитой халқ вакиллари мажлисининг доимий қўмитаси мажлисида жиноят кодексига киритилган қўшимчадир. Жиноятлар орасида валюта декларацияларини ва ташқи савдога рухсатномаларни сохталаштириш энг жиддий саналади.

Бу дунёнинг ишлари

Ислоҳот ва масъулият

Иқтисодий ватанпарварлик ҳисси

Ўтиш даврининг озмикўпми қийинчиликлари, муаммолари бўлади. Айниқса, янгича ишлаш, янгича турдаги ишлаб чиқариш муносабатларининг турмуш тарзимизга кириб келиши осонликча кечмайди. Ҳаммасига ўрганиш, мослашиш керак.

Мулкларнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши натижасида тузилган ҳиссадорлик жамиятларида иш ҳақи ва меҳнат унумдорлиги ўсиши ўртасидаги ўзаро боғланишни таҳлил қилиб кўрайлик. Мисол учун олинган биринчи ҳиссадорлик жамиятида қувватлардан фойдаланиш 14 фоизга қисқариб, маҳсулот ҳажми 1,23 марта, меҳнат унумдорлиги 1,31 марта камайиб (ишчилар сони эса 137 кишига кўпайиб) ойлик ўртача иш ҳақи 1722 сўмдан 2891 сўмга етган ёки 1,68 марта ўсган. Иккинчи ҳиссадорлик жамиятида қувватлардан фойдаланиш 30 фоиздан 21 фоизга тушиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 1,49 марта, меҳнат унумдорлиги 1,45 марта камайгани ҳолда иш ҳақи 1185 сўмдан 2076 сўмга етган ёки 1,75 марта ўсган.

Учинчи ҳиссадорлик жамиятида қувватлардан фойдаланиш 55 фоиздан 80 фоизга етиб, маҳсулот ҳажми 1,19 марта кўпайиб меҳнат унумдорлиги 1,43 марта ошгани ҳолда ўртача иш ҳақи 788 сўмдан 1243 сўмга етган, яъни 1,54 марта ўсган.

Биз таҳлил қилмиш учта ҳиссадорлик жамиятидан сўнггиси раҳбари ва ҳиссадорлари тутган йўл мантиққа, соғлом иқтисодиёт талабларига тўла жавоб беради, деган хулосага келамиз.

Дастлабки икки ҳиссадорлик жамиятидаги ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган корхоналар ишчи-хизматчиларини хўжалик субъектининг келажаги, тақдири эмас, балки иш ҳақи қизиқтирмоқда. Фойда кўриб ишлаб кетиш, шунга яраша иш ҳақи олиш учун зарур бўлса бир неча йиллар тер тўкиб ишлаш кераклигини ҳозирча бу корхоналар раҳбарлари ҳам, ҳиссадорлар ҳам ҳис қилишмаяпти. Уларни фақат шу кун қизиқтиряпти. Фақат ҳар ой охирида маълум миқдорида ойлик иш ҳақи олишни ўйлашмоқда, холос...

Ёки бошқача айтганда бу корхона ҳиссадорларида иқтисодий ватанпарварлик туйғулари етишмаяпти. Иқтисодий ватанпарварлик туйғулари ҳали тўла шаклланмаган.

Иқтисодиётда иш ҳақининг ўсиш суръатлари меҳнат унумдорлиги юқори бўлишига, йўл қўйилаётган боқимандалик кайфиятлари, эскичасига ишлаш усулини қўллаб-қувватлаш ва давом эттириш билан тенглаш мумкин.

Ишлаб чиқариш ўсмай, маҳсулот таннархи ошиб бораётган, корхона иқтисодий бўҳрон ботқоғига ботаётган бўлса-ю, ишчи-хизматчиларнинг юқори иш ҳақи олишлари, буни талаб қилишлари, иш ҳақининг камайишига норозилик билдиришлари ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятига ёт бўлиши керак. Чунки, мантиқан ўйлаб кўринг: мен ўз жамиятим учун фойда келтирмаётган бўлсаму иш ҳақи тўлашлари ва уни кўпайтира боришларини талаб қилишим тўғрими?!

Тўғри, давлатимизда изчил иқтисодий сиёсат ўтказилиб, унинг натижасини кун аро кўриб боряпмиз. Юртбошимиз аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш учун иш ҳақи, нафақаларни ошириш ҳақида яқиндагина навбатдаги Фармонга имзо чекдилар. Бу яхши. Қолаверса, аҳоли яшаш шароитлари ўса бориши борасида давлатимиз собиқ иттифоқ давлатлари орасида энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Аммо, айрим корхоналар, ҳиссадорлик жамиятларида иқтисодий аҳволнинг ёмонлиги, баъзи ташкилотлар банкрот ҳолатига келиб қолаётгани ҳам сир эмас. Бу айни дамда айнан шу корхона, жамият раҳбарияти ва ҳиссадорларининг янгича ишлашга кўника олмаётганлари оқибати.

Жамият ҳаётининг маълум даврларида жамғариш истеъмолларидан юқори бўлиши, ҳатто истеъмолни чеклаш ҳисобига қилиниши ҳам мумкин. Буни Япония мисолида кўриб чиқайлик. 50-йилларда барча японияликлар тез иқтисодий ўсишларга эришиш шарт деган қарорга келишди ва кишилар барча қийинчиликларни енгиб, ижтимоий соҳаларда тежамкорлик билан ишлашга ва шу йўл билан фаровонликка етишиш мумкин деган аниқ бир хулосага келишди. Айни шу тежамкорлик иккинчи жаҳон урушида мағлуб бўлган ва атом бомбасидан катта иқтисодий ва маънавий зарар кўрган Японияннинг тез оёққа туришида энг муҳим омил бўлди.

Япония ишчиси АҚШ, Франция, Англия, Германия ишчисига қараганда ҳафтасига энг кўп ишлади ва шу меҳнати эвазига...кам иш ҳақи олди. Металларга ишлов бериш саноатида 1957 йилда франциялик ишчи бир ҳафтада 38,6 соат ишлаган бўлса, Японияда бу кўрсаткич 46,3 соат бўлди. 80-йилларда япон ишчиси ўртача бир кунда АҚШ фуқаросига қараганда 1,4 марта кам каллория озиқ-овқат истеъмол қилди.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, қийинчиликлар олдида турган, уларни ҳис қилган халқ бир тан-бир жон бўлиб яхлит — «Япония ҳиссадорлик жамияти»га бирлашди. Натижа — ҳозирда Япония дунёнинг энг бақувват, иқтисодий барқарор давлатларидан бири.

... Юртбошимизнинг навбатдаги Фармонидан сал ўтмасдан ҳиссадорлик жамияти аъзоси бўлган танишимиз қувониб қолди: «Энди маошларимиз тағин ўсадиган бўлди!» Биз эса ундан корхонасининг иқтисодий аҳволини сўрадик. «Мен қандай билай? Бизга маош берса бўлгани. Бу раҳбарларнинг иши...»

Танишимизда иқтисодий ватанпарварлик йўқ. У ҳали бу туйғуни англамаган. Англаш нияти ҳам йўқ. Чунки, у фақат шу кун билан яшамоқда. Кўпроқ маош олиш иштиёқида. Эртани — корхонасининг эртасини, шу билан давлатнинг эртасини ўйламаяпти...

Иқтисодий ватанпарвар бўлиш вақти етмадими?

Баҳодир ХОРАЗМИЙ,
иқтисод фанлари номзоди,
Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Кутлов

Янги йил байрами муносабати билан ҳамюртларимиздан таҳририятимизга кўплаб мактублар, табрикномалар келаётир. Уларнинг барчасида ўтаётган 1998 йилдан шукроналик туйғулари уфуриб турибди. Айниқса, юртбошимиз олиб бораётган сиёсатдан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидан фахрланиш, мамнунлик алоҳида эътироф этилган. Айни чоғда Янги йил — Аёллар йилида ютуқларимиз янада катта бўлишига ишонч билдирилмоқда.

Ана шундай хатлардан бирининг муаллифи қашқадарёлик Хосият Жабборова ўз дил сўзларини шеър билан ифода этибди.

Омон бўлинг, юртбоши

Тўфону бўронларни енгиб ўтган ўзингиз,
Юракларда сўнаётган ўтни ёқди сўзингиз,
Истиқболни равшан қилди Сизнинг ўткир кўзингиз,
Кўз тегмасин юртимизга, омон бўлинг, юртбоши,
Бир умрга тўкилмасин аёлларнинг кўз ёши.

Етти йилда етмиш йиллик ишлар амалга ошди,
Мустақиллик душманлари ҳар томон қўрқиб қочди,
Оллоҳим ҳам бандасига ризқини тўкиб сочди,
Кўз тегмасин юртимизга, омон бўлинг, юртбоши,
Ҳеч қачон тўкилмасин халқларнинг кўзин ёши.

«Қуръони Карим»ни Сиз қўлингизга олдингиз.
Оллоҳнинг сўзларини қалбингизга солдингиз,
Пайғамбар ҳадисларин муҳаддас деб билдингиз,
Кўз тегмасин юртимизга, омон бўлинг, юртбоши,
Ҳеч қачон тўкилмасин ногиронлар кўз ёши.

Бутун халқ Сизга бугун умид билан боқмоқда,
Ёшларимиз сўзингизни маржон қилиб тақмоқда.
Сўзларингиз уларнинг юракларин ёқмоқда,
Кўз тегмасин юртимизга, омон бўлинг, юртбоши,
Ҳеч қачон тўкилмасин ёшларнинг кўзин ёши.

Машаққатли кунларда халқ бошида турдингиз,
Порахўр раҳбарларнинг жиловини бурдингиз,
Адолатнинг иморатин боқий қилиб қурдингиз,
Кўз тегмасин юртимизга,омон бўлинг, юртбоши,
Ҳеч қачон тўкилмасин гўдакларнинг кўз ёши.

Амир Темур руҳи Сизни ҳамиша қўллаб турсин,
Нақшбандий, Фарғонийлар юрт узра кезиб юрсин,
Озод ўлкам жамолин жумлаи жаҳон кўрсин,
Кўз тегмасин юртимизга, омон бўлсин бошингиз,
Дил изҳорин битди Сизга мунис ватандошингиз.

Хосият ЖАББОРОВА,
Китоб тумани.

Ўнгланиш

ёки Бухоро вилоятидаги санацияга тушган саккизта жамоа хўжалигининг бугунги аҳволи хусусида

Жорий йилда вилоятда 403 минг тонналик марра эгалланмаган бўлсада, давлатга бултургига нисбатан 35 минг тонна пахта кўп сотилди. 380 минг тонналик хирмон уйтан пахтакорлар соҳадаги бундай ўнгланишни санация шарофати ҳам деб билмоқдалар. Бу тўхтамга келишнинг тагида асос бор. Чунки, бултур вилоятда ўз аравасини торта олмаётган етмишга яқин хўжалик аниқланган ва шундан атиги саккизтасини санация қилиш лозим топилганди. Хўш, санация ўз самарасини бердими, мазкур хўжаликларнинг ҳаммаси ҳам молиявий жиҳатдан соғломлашдими?

Бундан икки йил олдин Шофиркон туманидаги Бобур номли жамоа хўжалиги вилоятнинг олд жамоаларидан эди. Аммо, раҳбарликдаги ўзибўларчилик, тез-тез алмашинувлар оқибатида хўжалик шуҳратига путур етди. Минг ишчига бир бошчи керак деганларидек жамоа етакчига ёлчимади. Раҳбарликдаги поракондалик келиб-келиб жамоани ночорликка етаклади. Ҳамма ҳайрон, нима бўлди ўзи? Бир йилнинг ўзида 102 миллион 390 минг сўм кредитор қарз? Барча соҳа бўйича йил 29 миллион сўм зарар билан якунланса? Бундай муаммолар ечимини топиш анча амримаҳол эмасми? Тумандан қўл узатса етгудек ҳудудда жойлашган бобурликлар ориятсиз қани?

Туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари вазифасида ишлаётган Шуҳратжон Турдиев хўжаликка ташқи бошқарувчи этиб тайинланди. Шуҳратжон иқтисодчи бўлгани учун ҳамда санация қилинган қишлоқ хўжалик корхоналарида ишни ташкил қилиш юзасидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларни синчиклаб ўрганган ва амал қилгани учун ҳам биз юқорида келтирган муаммолар ечимига йўл топди.

— Иш бошлаганимда хўжаликда 4 та ҳайдов, 28 та чопиқ трактори бор эди. Шундан атиги 8 таси ишга яроқли, — дейди Ш. Тўраев. — Биз эҳтиёт қисм олиб, бориданфойдаландик.

Бу масаланинг бир томони, холос. Узоқ йиллар сув йўллари, заҳкашлар кўмилган, одамларнинг меҳнатдан чиқиб кетгани, кадрларнинг тажрибасизлиги... Айтиб адо қилиб бўлмайди. Ҳаммаси аниқ-пухта бекиёс режа асосида ўрганилди. Дала иши билан банд бўлган 1153 кишидан 312 нафари, бошқарув аппаратидаги 43 кишидан 18 нафари қисқартирилиб, бошқа юмуш билан банд этилди. Ҳамма соҳада иш пудрат усулида ташкил қилинди. 35 та дончилик, 161 та пахтачилик бўйича оилавий пудрат фаолият кўрсатди. Пахтачилик бригадаларига Ноил Мавлонов, Бобомурод Холмуродов, Сафар

Далил ва таҳлил

Мўминов каби катта тажриба эгалари бош-қош бўлгани ҳам эл билан ишлашга имкон яратди. Бунинг устига ҳамма тоқида тежамкорлик, назоратга эришилди. Шунинг эвазига 154 тонна ёнилги-мойлаш материаллари тежалди.

— Ишласа бўларкан. Бу менинг фикрим эмас, ҳаммамизнинг иқроримиз, — дейди хўжалик ташқи бошқарувчиси. — 926 гектар майдондан режадаги 2757 тонна ўрнига 3600 тоннадан зиёд пахта ҳосили олдик. Ҳосилдорлик қарийб 40 центнерга етди. Давлатга 18,3 тонна пилла, 639 тонна дон сотдик.

— Йил охиригача бизнес-режага мувофиқ 124,8 миллион сўм даромад қиламиз, — дейди бош иқтисодчи Шариф Ҳасанов. — Ишчилардан эса қарзимиз йўқ.

Ҳа, хўжалик деҳқонлари ҳалол ва фидокорона меҳнат эвазига биргина пахтачиликдан 90 миллион сўм даромад эгаси бўляптилар. Демак, энди қозон ҳам мой, чўмич ҳам.

— Тўғриси, бу хўжаликка ташқи бошқарувчи бўлганида жуда чўчигандим, — дейди Қоровулбозор туманидаги А. Ғиждувоний номли жамоа хўжалиги раҳбари Шуҳрат Баҳронов. — Чўлда ишлаш нақадар машаққат эканига қўшни «Пахтакор» хўжалигида ишлаганимда амин бўлганман. Бу ерда умр бўйи режалар барбод бўлган, техника чарчаган, одамларнинг бошини қовуштириш эса анча мушкул. Бунинг устига хўжалик йилни 54 миллион сўм зарар билан якунлаган. Кўпчиликнинг қўли ишдан совуган.

Раисга разм солгандим ўшанда. Кичик жуссали йигитнинг юзини офтоб қорайтирган, одамлар чеҳрасида хижолат: «Қолоқлик ботқоғидан чиқиш мумкинми? Ахир, қачонгача туманнинг оёғига кишан бўламиз?» Раис атрофига янги кучларни бирлаштирди, чўлқуварларни ортидан эргаштирди. Шу боис режа бажарилишига эришилди. Бир пайтлар ҳар гектар ердан 6,5 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу миқдор эндиликда уч ярим баравар ошди. Давлатга минг тонна атрофида пахта, 1420 тонна дон сотилди. Бу санация шарофати эмасми? Чўлқуварлар юзи ёруғ, чўнтаги бут. Келажакка ишонч уйғонди.

Худди шундай ютуқлар Олот туманидаги «Амударё» жамоа хўжалиги пахтакору, дончилари, чорвадори соҳибкорига ҳамроҳ бўлди. Тажрибали деҳқон Рустам Ҳамроев раҳбарлик қилаётган бу жамоа иқтисодиёт халтасидаги тешикларни бутлаб олдилар. Когон туманидаги Баҳоуддин Нақшбанд номли, шунингдек, Пешку ва Жондор туманларидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжаликлари ҳам ўз қадларини ростлаб олдилар. Энди бу хўжалик аъзолари манфаатдорлиги ошиб, қишлоқ аҳлининг турмуш шароитида ўнгланиш сезилди. Аммо...

Бу йил Ромитан, Қоракўл туманларидаги «Қўрғон-Ромитан», «Бухоро» жамоа хўжаликларида ўнгланиш сезилмади, қолоқлик ҳамон ҳукм суряпти. Бунинг муайян сабаблари бор. Янгича иш услубини жорий этиш, ўзаро ҳамжиҳатлик, талабчанлик борасида эскича ёндашувдан қутулиш имкони бўлмаётир. Бунинг устига ҳосилдорликни режалаштиришдаги ноаниқлик ҳам жамоа аҳлининг юзини ерга қаратмоқда. Шу боис «Қўрғон-Ромитан»да пахта тайёрлаш режаси 54, «Бухоро»да эса 79,5 фоизга бажарилди. Бизнингча, бу хўжаликларда ҳам кўзда тутилган тадбирлар изчил, бекаму кўст бажарилганда эди қолоқлик доғи ювиларди. Бундан хулоса шуки, санация моҳиятини аввало мазкур хўжаликлар раҳбарлари, қолаверса оддий дала меҳнатчиси тўлалигича англаб етмаган. Бунинг азобини улар узоқ вақт тортишлари аниқ.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат

Матбаачилар янги уйда

Айём арафасида Республика «Шарқ» нашриёти матбаа концерни ишчи-хизматчилар ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Тошкент марказида концерн ишчилари учун 9 қаватли шинам уй фойдаланишга топширилиб, унинг калитларни узоқ йил ҳалол меҳнат қилган бир гуруҳ ходимларга берилди. Энди янги уйларга кўчиб ўтган 28 оила бир йўла ҳовли тўйини ҳам нишонлашга ҳозирланиб турибди.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ

Ўзбек мармари хорижда

Китоб мармарини беқасаму, атласта қиёслашади. «Қашқадарёмармар» ҳиссадорлик жамияти эса ўз маҳсулотларини хорижга чиқариш имконига эга бўлди. Корхона Европа Тикланиш ва тараққиёт банкидан шартнома асосида қарз олган эди. Шунинг ҳисобига Италиядан келтирилган техник жиҳозлар асқотмоқда. Бу ускуналар корхонанинг Томчи ота, Макрид, Искана, Буркулли каби конларидан қазиб олинаётган мармарларга ишлов беришда қўл келмоқда. Бундай технология асосида тайёрланган маҳсулотни янги йилдан бошлаб хорижга экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Юнус УЗОҚОВ

Хатлар, хатлар, хатлар

Ҳақиқатнинг ойдин йўли...

уни ким қандай тушунади?

Ҳурматли таҳририят!

Элимизда ота изидан борган — етар муродга, деган пурҳикмат гап бор. Отам раҳматли Жалғаш Йўлдошев мен туғилган йилларда Қўнғирот туманидаги «Қўнғирот» жамоа хўжалигида раис бўлган. Ўша хўжаликда отам эккан кўчатлар бугунги кунда серҳосил дарахтга айланган... Яхши инсонларнинг руҳлари ҳам абадул-абад шод юраркан, зеро бугунги кунга қадар ўша хўжаликда яшовчи кишиларнинг отам хотирасига айтган сўзларидан қанчалик бахтли, бахтиёр яшашимизни таърифлаб бера олмайман. Мен ҳам отам каби ёрқин из қолдиргим келавераді. Эзгу мақсадим шуки, элимга, юртимга муносиб фарзанд бўлсам, отам каби боғлар яратсам, бунёдкорлик ишларига бош қўшсам...

1984 йили Нукус Давлат университетининг қишлоқ хўжалик факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаганман. Сўнг Нукус туманидаги «Шўртанбой» жамоа хўжалигида агроном, «Кердир» жамоа хўжалигида бош агроном, район агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмаси (РАПО)да бош агроном ва кейинчалик раис вазифаларида ишлаганман. Айтмоқчиманки, хўжалик бошқарув тизимида ишлашга анчамунча тажрибам бор.

Туманимиз ҳокимининг фармойиши билан 1996 йил январь ойида «Қизил уй» жамоа хўжалиги раиси этиб тайинландим. Очиғи, туманимиздаги қолоқ, айни пайтда шароити оғир хўжаликлардан бирига раҳбар этиб тайинланишим мен учун катта синов эди.

Ўша кунларгача бу хўжалик ҳудудида олтмишдан ортиқ оила яшар, яшаш шароитлари кўнгилдагидек бўлмагани сабабли одамлар бу ердан кўчиб кетишган экан... Қачонлардир қурилиши бошланиб, 1984 йиллари ташлаб қўйилган мактаб биноси чала ҳолида ётар, ўғил-қизлар эса турар жой биноларидан битта-яримта хона ажратишиб «таълим олишар» экан. Хўжалик идораси учун мўлжалланган бино ва болалар боғчаси ҳам шундай аянчли аҳволда эди... Бир пайтлари ҳаммом қурилиши ҳам бошлангану ташланган... Боз устига, қаровсиз қолган биноларнинг жуда кўп қурилиш жиҳозлари беаёв ўғирлаб, талаб кетилган. Ҳуллас, яхши ниятлар билан бошланган қурилиш охирига етказилмасдан барвақт ҳаробага айланиб қолган...

Бундай вазиятда ишни нимадан бошламоқ керак? Албатта, инсон манфаатларини ўйлаш, зарур муаммоларни ҳал этиш, яшашга, меҳнат қилишга зарур шарт-шароитлар яратиш, ишни тўғри йўлга қўйиш, меҳнат аҳлини кўнгилдагидек манфаатдор қилиш, тезроқ ишлаб чиқаришни изга солишдан бошламоқ лозим! Бу борада белгилаган режаларимизни туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Улмонбет Хўжаназаров қўллаб-қувватлади. Ташаббускорона меҳнатларимиз рўёбга чиқа бошлади. Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идораларидаги кўплаб илғор фикрли кишилар амалий ёрдамларини аямадилар. Муҳими, қисқа даврдаёқ хўжалик ўзига хос тараққиётга эриша бошлади. 1996 йил 18 декабрь куни икки қаватли мактаб фойдаланишга топширилди. Асосан ҳашар йўли билан қуриб битказилган замонавий болалар боғчасида ҳам жажжи ўғил-қизларнинг шодон кулгуси янграй бошлади. Ҳаммом ҳам ишга тушди. Бир пайтлар ноилож кўчиб кетишган одамлар умид билан қайтиб кела бошладилар. Қисқа фурсатлардаёқ хўжалик аҳолиси икки баробарга ўсди!..

Кўп йилларидан бери қарз ботқоғига ботган хўжалик иқтисодий жиҳатдан ҳам қад ростлай бошлади. Аҳолини доимий иш билан таъминлаш, халқ истеъмоллари ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш мақсадида хўжаликда сартарошхона, этикдўз устахонаси, тикув цехи, чолғу асбоблари ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Тўрт оилага мўлжалланган икки қаватли коттеж қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун атиги 200 гектар ердан фойдаланилган бўлса, икки йил мобайнида бу рақам 1000 гектардан ошди. (Аслида, хўжалик ҳудудида 8000 гектардан ортиқ чўлу дашт майдонлар мавжуддир). Зотан, 1996 йили хўжалик 1 миллион 800 минг сўм соф фойдага эришди. 1997 йилда эса хўжаликнинг соф фойдаси 1 миллион 100 минг сўмдан ошди.

Бахт билан бахтсизлик ҳамиша ёнма-ён, деганларидек, 1998 йил январь ойида катта йўлда машинада кетаётиб, аварияга дучор бўлдик. Бошим ёрилиб, кўп қон йўқотдим... Узоқ муддат даволанишимга тўғри келди. Очиғи, бир ўлимдан қолдим. Энди соғайиб, ўзимга келиб, қарасам, эзгулик бир четда қолиб, айрим кўнгли қора нусхаларнинг хуружи авж олиб кетибди. «Қизил уй» жамоа хўжалигида амалга оширган кўпгина ишларимизга ўгай муносабатда бўлишибди. «Болалар боғчаси ёпиб қўйилган, идорамиз «мухр»ланган... Хўжаликка кираверишда катта йўл бўйига девор ўрнатиб, унга чиройли ҳарфлар билан: «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деб ёзиб қўйган ёзувларимиз шафқатсизларча ўчириб ташланган... Ҳуллас, қайсидир тирноқ орасидан кир қидирувчилар ҳар бир ишимиздан камчилик, хатолик ахтаришга тушган... Ўша пайтларда мен билан бир сафда ишлаган кишилардан «бу дарахт кўчатини қаердан олиб экдинглар? Унга сувни қайдан топиб қуйдинглар? Ишлаш учун кетмону белкуракни қайдан олгандинглар?» қабилидаги бўлмағур саволлари билан ҳамманинг нафсониятига тегишмоқда...

Хўжалик раиси сифатида мен ўзимни мутлақо айбсиз, хатосиз ишлагапман, демоқчи эмасман. Иш бор жойда хатолик ҳам бўлиши муқаррар. Беайб — парвардигор, деган гап бежиз айтилмаган. Бироқ, давлат хўжалиги эмас — ўз номи билан жамоа хўжалиги — хўжалик ҳисобида фаолият юритган хўжаликда нимаики иш қилинган бўлса, ҳар бир ишингга терговдан баттароқ ҳисоб бериб яшаш қийин экан. Қўлингни ишдан совитаркан, холос. Тўғри, бирор хатоликка йўл қўйган бўлсак, жавоб беришга, хатоликларни тузатишга тайёрмиз. Аммо, ундан кейин қандоқ қилиб қўлимиз ишга бораркан? Одамларда қайси юз билан ишонч уйғота оламиз? Тағин издан чиқа бошлаган улуғвор ишларимизни қайтадан изга солиш, меҳнаткашларда ишонч уйғотиш мумкинми? Бу борада Юртбошимиз айтган гаплар ҳам қанчалик ҳақ эканига иймон келтиряпмиз. Мен ўз ҳақиқатимга эришишга ишонаман. Умид қиламанки, ҳақиқатнинг ойдин йўлидан дадил одимлашимизда Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарлари, қолаверса, туманимиз ҳокимлиги ҳам бизни астойдил қўллаб-қувватлайдилар.

Қувончбой ЙЎЛДОШЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани,
«Қизил уй» жамоа хўжалиги.

Мутахассис муаммо қўяди

Асал деган билан оғиз чучимайди

ёхуд шу хусусда айрим мулоҳазалар

Асаларичилик қишлоқ хўжалик экинларининг чанглашишида, ҳосилдорликни оширишда катта аҳамиятга эга. Хусусан асалнинг кишилар меҳнат қобилиятини, соғлигини яхшилашда фойдали эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунга қарамай, кейинги пайтда жамоа хўжаликларида асаларичиликнинг ривожланиш даражаси кескин пасайиб кетди.

Республикада асаларичиликнинг аҳволи таҳлил этилганда, шу нарса маълум бўлдики, бизда асаларичиликни ривожлантириш учун ҳамма имкониятлар етарли. Ҳосилдорликни ошириш ҳамиша муаммо бўлиб келаётган ҳозирги даврда нима қилмоқ керак? Қандай қилсак унумдорлик ошади?

Қишлоқ хўжалик экинларини асаларилар ёрдамида чанглаш асосий масалалардан биридир. Асаларилар билан чанглананда пахта ҳосилдорлиги ўрта ҳисобда 3,0 центнер ва ундан юқори бўлиши мумкин. Асаларичиликда катта ютуқларга эришаётган хўжаликлардан Самарқанд вилояти Ургут туманида жойлашган «Чашма» асаларичилик хўжалигини келтириш мумкин. Мазкур хўжалик 1990 йилдан ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаб келмоқда. 1996 йилда хўжаликда 3347 та асалари оиласи бўлган Айни пайтда асал ишлаб чиқариш ҳам кўпаймоқда. Тошкент вилояти Паркент тумани Паркент асаларичилик жамоаси ҳам ана шундай муваффақиятларга эришаётган хўжаликлардандир. Жамоага тажрибали мутахассис Холмат Холминов бошчилик қилади. Хўжаликда 1631 та асалари оиласи мавжуд. Бундай ибратли асаларичилик хўжаликлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Республикамизда жон бошига етиштириладиган асал 1997 йилда 215 граммни ташкил этди. Бу мутлақо талабга жавоб бермайди. Асаларичиларимиз кўп, арзон асал етказиб бериш имкониятларига эга. Бунинг учун энг аввало унинг озуқа базаларидан тўлиқ фойдаланиш, заҳарли дорилар сепишдан сақланишимиз керак.

Асаларичиликда ишлаб чиқарилган маҳсулотга ҳақ тўлаш усули ҳам эскича. Бу келтирилган омиллар асаларичиликнинг бозор иқтисодиётига ўтишига таъсир қилмасдан қолмайди. Шуни тан олишимиз керакки, ҳозирча қишлоқ хўжалигининг бу тармоғида меҳнатни ташкил этиш, унга ҳақ тўлашнинг кучли рағбатлантирувчи ва қизиқтирувчи механизмлари вужудга келтирилгани йўқ.

Асаларичиликни ривожлантириш мақсадида 1979 йил 25 октябрда қабул қилинган қарор маънавий жиҳатдан эскирди. Ҳозирги шароитда ана шундай қарорларга эҳтиёж сезилмоқда. Минг афсуски, кейинги йилларда айниқса, 1991-1997 йилларда Ўзбекистонда асаларичилик ўсиши ўрнига пасайиб бораётганини кўрамиз. 1991 йилда Ўзбекистонда 435,8 минг асалари оиласи бўлган бўлса, 1997 йилга келиб, бу кўрсаткич 222,1 мингни ташкил этди. Кўряпсизки, шу йиллар ичида асалари оиласи 212700 тага камайган. Бир асалари оиласи ўртача беш минг сўм турса, асаларичиликка етказилган зарар 1 миллиард 68 миллион 500 минг сўмни ташкил этади. Бу айни пайтда республикамизда асал ишлаб чиқаришнинг йилдан йилга камайиб кетишига олиб келди, Жумладан, 1991 йилда республикамизда 19554 тонна асал ишлаб чиқарилган бўлса, 1997 йилга келиб, 5123 тоннани ташкил этди.

Бозор иқтисодиётига ўтишда асаларичиликни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири маҳсулотнинг таннархини камайтиришдир. Демак, бозор иқтисодиётига ўтиш учун энг аввало маҳсулот таннархини камайтириш керак. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Ҳозирги вақтда қайси асаларичилик хўжалиги фойда оляптию, қайсиси зарар кўряпти, умуман билиб бўлмайди. Бундан ташқари республикамиз асаларичилигида иқтисодий таҳлил билан ҳеч ким шуғулланмаяпти. Асаларичилар қўлида на зарур қўлланмалар, на жиҳозлар, на илмий тавсиялар бор. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон асаларичилик соҳаси билан шуғулланувчи тузилма бўлишини тақозо этяпти. Россияда «Асаларичилик» ойномаси чиқарилади. Ўзбекистон ҳам шундай ойномага эга бўлиши керак. Қолаверса, асални сотиш устидан назорат ўрнатиш керакка ўхшайди.

Республикамизнинг бекиёс имкониятларидан фойдаланиб, халқимизга мўл, арзон асал етказиб бериш асаларичиларимизнинг, қолаверса, қишлоқ хўжалик ходимларининг асосий вазифасидир. Бунинг учун қуйидаги тавсияларга амал қилиш зарур, деб ўйлайман. Чунончи, соҳада фаннинг ривожини ошириш, ғўза агротехникасига асаларилар билан чанглашни киритиш, мамлакатимиздаги, шунингдек чет эллардаги илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалий ишда фойдаланиш даркор. Агар вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида асаларичилик бўлими ташкил этилса ҳамда ҳар бир туманда асаларичиликка ихтисослашган жамоа хўжаликлари вужудга келтирилса, айни муддао бўларди. Ана шундагина асаларичилик сермаҳсул тармоқ бўлиб, халқимизга арзон ва сифатли асал етказиб беришдек савобли ишнинг уддасидан чиққан бўламиз.

Акбар НАБИЕВ,
иқтисод фанлари
номзоди

Иқтисодий жиноятчилик қимматга тушди

Россия бош прокурори Юрий Скуратов мамлакатдаги иқтисодий жиноятчилик 900 миллион долларга ёки 18 миллиард рублга тушди, деди. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари раҳбарларининг кенгашида Скуратов айтдики, кўпгина жиноятларнинг асосини солиқни ўз вақтида тўламасликдан коррупцияга алоқадор кимсаларнинг ғайриқонуний ҳаракатларигача қамраб олган. Яширин иқтисодиётнинг тезкор ҳаракати натижасида бюджет етишмовчилиги кучайиб кетди. Расмий маълумотларга кўра Россиядаги давлат корхоналарининг 40 фоизини жиноятчи гуруҳлар бошқариб турибди.

Хавфсизлик Кенгашидаги мажлисда

БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўз мажлисида Ироқ масаласида Россия киритаётган таклифни муҳокама қилди. Бироқ, аниқ ҳужжат тайёрлангани йўқ. Бу ҳақда кенгашда раислик қилаётган Баҳрайн вакили Жассим Муҳаммад Буаллей журналистларга айтди. Мажлисда Эфиопия билан Эритрея ўртасидаги жиддий келишмовчилик масалалари ҳам муҳокама қилинди. Бундан ташқари Сьерра-Леонедаги вазият тўғрисида чуқур ташвиш билдирилди. Қўшни Либериядан ушбу мамлакатга яширин равишда қурол келтирилаётгани ҳаммани ғазаблантирди. Анголада портлаб кетган БМТ самолётидаги 14 кишининг тақдири ҳақида чуқур ташвиш билдирилди. Шу боис ҳам, ташкилотнинг қидирув-қутқарув гуруҳини тезроқ юбориш ҳақида гаплар бўлди.

Терроррчини қўллаб-қувватлашмоқда

Саудиялик миллионер ва халқаро терроризмнинг ҳомийси Усама бин Ладен Афғонистоннинг ҳимоясида қолаверади, деб таъкидлашди толибон ҳаракати раҳбарлари. Улар Рейтер агентлиги мухбири саволларига жавоб бериб, шундай дейишди. Американинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарини портлатишда айбланаётган Бин Ладен америкаликларга қарши жиддий гаплар айтди. Мусулмонларни америкаликлар ва британияликларни ўлдиришга ҳамда яҳудийлар ва христианларга қарши муқаддас уруш эълон қилишга чақирди. АҚШ эса ўз навбатида Бин Ладеннинг маконини аниқ билдирадиган хабар учун беш миллион доллар мукофот эълон қилди.

Аксилтолибон ҳаракати вакиллари эса Усама бин Ладеннинг Афғонистонда туриши муаммоларни чуқурлаштириб юборади, дейишмоқда. Ахир, АҚШ Бин Ладеннинг лагерини бомбардимон қилиш мақсадида Афғонистонга ракета зарбалари бергандику. Шу йилнинг августида Кения ва Танзаниядаги элчихоналарни портлатиш натижасида 224 киши ҳалок бўлганди. Мамлакат ҳудудининг 90 фоизини эгаллаб турган толибонлар эса Усама бин Ладенни мамлакатдан қувиб чиқаришни истамаяптилар.

Кўл сувини ифлослантиргани учун

Хитойнинг Цзянсу вилоятидаги Тайху кўли сувини ифлослантиргани учун мамлакатдаги 51 корхонанинг фаолияти тўхтатилди.

Хитойнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат бошқармаси ходимларининг таъкидлашича, улар орасидан 25 заводнинг фаолияти бутунлай тўхтатилиб, уларнинг ишлаб чиқариш учун берилган лицензияси бекор қилинди. Қолган 26 корхона ҳали тўла ўрганиб чиқилгани йўқ. Улар бошқарма талабларига жавоб берса, тез орада ўз фаолиятини давом эттириши мумкин.

Қонли тўқнашув

Яманда Ғарбий мамлакатлардан келган 16 турист ўғирлаб кетилган эди. Гаровдагиларни қутқариш учун маҳаллий полиция ҳаракатга тушди. Натижада гаровдагилардан 4 киши қурбон бўлди. Уларнинг ҳаммаси британиялик. Яман Ички ишлар вазирлигининг таъкидлашича полиция билан жиноятчилар ўртасидаги отишмалар гаровга ушланганларни ўлдиришдан бошланган. Бинобарин, полициячилар жиноятчиларнинг шартларини бажаришдан бош тортиб, уларга қарши ўт очишган.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ишга тушди

«Қорақалпоқтранс» ходимлари учун яна бир қулайлик яратилди. «Буюк ипак йўли» бўйида автокемпинг комплекси қайта тикланди.

Тошкент — Оролбўйи автомобиль йўли Қўнғирот-Денов магистраль йўли билан уланди. Эндиликда автомобиль транспортлари Устюрт ясси тоғлари орқали Қозоғистон, Россия ва бошқа ғарб давлатларига чиқиш имконияти яратилди. Хўжайли шаҳрида айланма йўл бўйича автокемпинг қурилиши битказилиб ишга туширилди. Бу қурилишни Ўзавтотрансга қарашли кўчма механизациялаштирилган колонна қурувчилари, муҳандис-техниклари амалга оширдилар.

Бу ерда автотранспортларга жорий таъмирлашнинг ҳамма турлари бўйича хизмат кўрсатилади. Двигателлар ва бошқа қисмларни таъмирлайдиган цехлар ишлаб турибди. Ҳайдовчилар, йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Мукофотга «Тико»

Байрам арафасида Вобкент туманидаги «Зарбдор» жамоа хўжалигининг тўртинчи бригадаси бошлиғи Ҳаким Муқимовга енгил машина совға қилинди. Гап шундаки, пахта терими арафасида туман ҳокимлиги 50 гектардан зиёд майдондан 60 центнердан ҳосил кўтаришга эришган бригада сардорига «Тико» машинаси берилиши ҳақида қарор қабул қилганди. Сарҳисоб вақтида бу мукофот Ҳаким Муқимовга насиб этгани маълум бўлди.

Баҳрон ДАВРОНОВ

PINAR

Ўзбекистон халқини Янги — 1999 йил муносабати билан қизғин муборакбод этади.

Анъанавий байрам кунлари юртдошларимизни табриклар эканмиз, серқуёш ўлканинг ҳар бир гўшасида, оиласида тинчлик, фаровонлик, хотиржамлик, қут-барака бўлишини тилаймиз.

PINAR — ҳаёт булоғим

Ихтисослаштирилган давлат акционерлик тижорат "Асака" банки

Ўз мижозларини, акциядорларини Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини

Янги —1999 йил билан

табриклайди!

Биз Сизга тинчлик, барқарорлик, хонадонингизга хотиржамлик ва фаолиятингизда муваффақият тилаймиз!

ASAKA BANK

Жисмоний ва юридик шахсларга миллий ва хорижий валютада кенг миқёсдаги банк хизмати

Тошкент ш., Нукус кўчаси, 67-уй
тел.: (998 71) 120-81-11
факс.: (998 712) 54-06-59

«ТрастБанк»

акционерлик — биржа банки

Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини, ўз акционерлари, мижозлари ҳамда ҳамкорларини Янги 1999 йил билан самимий табриклайди.
Биз барчага бахт-саодат, фаровонлик, ҳар бир хонадонга тинчлик ва хотиржамлик тилаймиз!
Банк Сиз учун ишламоқда ва манфаатларингиз йўлида хизмат қилмоқда.
Янги йилда ҳам ҳамкорлигимиз самарали бўлишига ва муносабатларимиз янада ривожланиб, мустаҳкамланишига ишончимиз комил.

Омад Сизга ёр бўлсин!

«Ўзмевасабзавотузумсаноат»

холдинг компанияси

Юртдошларимизни Янги — 1999 йил билан муборакбод этади.
Тизимимиз ташкилотлари мамлакатимизда кенг миқёсда олиб борилаётган ислоҳотларга муносиб улуш қўшаверади.
Хорижий шерикларимиз ҳамкорлигида ҳамда ўз имкониятларимиз билан ишлаб чиқаришни ривожлантираверамиз.
Маҳсулотлар сифатини яхшилаш, кўркамлигини ошириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверамиз.
Маълумки, бу йил Аёллар йили деб эътироф этилди. Бас, шундай экан бу йил мамлакатимизда юксалиш, меҳнат, ижод йили бўлсин!
Компаниямиз корхоналари ишлаб чиқараётган барча турдаги маҳсулотлар байрам дастурхонларимизни безасин!



«Ўзиргидромаш» заводи

Ўзбекистон халқларини, қишлоқ хўжалиги ходимлари ва мижозларини Янги — 1999 йил билан чин қалбдан муборакбод этади!



1999 йилда мустақил мамлакатимиз халқ хўжалиги гуркираб ривожлансин, серқуёш диёримизда тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик янада юксалаверсин. «Ўзиргидромаш» заводи меҳнат аҳли ҳар бир хонадонга эзгу орзу умидлар ва яхшиликлар йўллайди.

«Ўзиргидромаш» заводи меҳнат жамоаси.

Coca-Col: dan Tabriknoma!

Biz Sizga kirib kelayotgan Yangi Yilda sihat-salonatlik, baxt-saodat va ishlaringizda rivoj tilaymiz!

Har doim Coca-Cola!

«Йўловчи»

Автомобиль Суғурта Компанияси Акционерлик Жамиятининг Тошкент филиали жамоаси

Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини, барча ҳамкасблари, ҳамкорлари, мижозларини Янги 1999 йил билан муборакбод этиб, бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик тилайди.

Янги йилингиз бутлуғ бўлсин, азизлар!

Тошкент, Ойбек кўчаси, 47.
Тел: (3712) 54-93-07, 54-78-29.
Факс: (3712) 54-76-31.

Ўзбекистон саноат-қурилиш банки

Банкнинг навбатдаги акциялари эмиссияси очилганлиги ҳақида маълум қилади

Банкнинг эълон қилинган устав капитали 4 млрд. 500 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, акцияларнинг номинал қиймати 1500 сўмга тенгдир. ЎзСҚБ акцияларини банкнинг барча филиалларида сотиб олиш мумкин.

133-24-86
136-14-77

ЎзСҚБ бошқаруви

Шайхонтоҳур туманидаги «Чорсу — саёҳат» МЧЖ **ТУГАТИЛАДИ**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳридаги «МК-Трейдинг» қўшма корхонаси Низом фонди 1383730 АҚШ долларигача камайганлигини **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши Ўзбекистон ХДП Ҳамза тумани кенгаши биринчи котиби Шавкат Муродович Файзиевга онаси **Назира ФАЙЗИЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Галла — Алтег»

очиқ акционерлик жамияти жамоаси

Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги йил билан самимий муборакбод этди!

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, мамлакатимиз мустақиллигининг 7 йиллиги нишонланган шоҳи йилимиз жамоамиз учун катта муваффақиятлар келтирди.

Юртимизнинг галла ва нон мустақиллиги мустаҳкамлаш йўлида дадил қадамлар қўйилди. Хусусан, бизнинг корхонамизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги технологияларни дадил жорий этишда муҳим ишлар амалга оширилди. Натижада, ҳар бир цехда маҳсулот тайёрлаш кўпайди, унинг сифати ошди.

Истеъмолчилардан эса ҳамиша бизга раҳматлар ёғилиб турди.

Ўйлаймизки, янги 1999 йил ҳам бизга омад келтиради. Янги меҳр бўсагасида юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларини янги йил билан табриклар экамиз, ҳар бир шаҳар, қишлоқ хонадонига тинчлик, осойишталик ҳамда фаровонлик бўлишини тилаб қоламиз.

(Газетамизнинг навбатдаги сони 1999 йил 1 январь — жума куни чиқади)

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*, навбатчи *Мурод АЛИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 20.025 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г —0592

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.40
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА